



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2013 йил 5 ноябрь, № 216 (5890)

Сешанба

## ЗАМОНАВИЙ УСКУНАЛАР ВА СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР



Жорий йилнинг 9 ойида Жиззах вилоятида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми

**14,7** фоиз ўсди.

ИСЛОҲОТ



Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислохотлар мамлакатимизнинг барқарор суръатлар билан ривожланишида муҳим омил бўлмоқда. Айниқса, етакчи соҳаларни модернизация қилиш, ил-

фор техника ва технологиялар билан жиҳозлаш, замонавий корхоналарни барпо этиш борасидаги сайё-ҳаракатлар ўз самарасини берапти. Буни Жиззах вилояти мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Хусусан, воҳада иқтисодиётни юксалтиришга қаратилган чораларнинг натижасида жорий йилнинг 9 ойида янги худудий маҳсулот ҳажми 9,9 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 14,7 фоиз ўсди. Айни пайтда

вилоятда жами 1334 та саноат корхонаси мавжуд бўлиб, шундан 18 тасини йирик, 1316 тасини кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этади. Улар, асосан, кимё, машинасозлик, қурилиш соҳаларида, шунингдек, қишлоқ

ҳўжалиги маҳсулотлари ва табиий ресурсларни қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш тармоқларида фаолият кўрсатапти.

(Давоми 2-бетда).

## ТАШАББУСКОР ЁШЛАР УЧУН МЕДИА-ТРЕНИНГ

“Камолот” ёшлар оромгоҳи вилоятнинг Бўстонлик туманида, денгиз сатҳидан бир ярим метр баландликда жойлашган бўлиб, муссаффо тоғ ҳавоси, атрофдаги ажойиб манзара, танга роҳат бағишлайдиган кўш-ли кун ва майин ёмғир медиа-тренинг иштирокчиларига ўзгача кайфият бахш этди. Ҳаётнинг мураббийлиги, тажрибали журналистлар ва мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган, журналистика соҳасига энди қадам қўяётган ёшлар ўртасидаги самимий мулоқот, дўстлик ва ҳамжиҳатлик тадбирнинг янада самарали ўтишини таъминлади.

Иштирокчилар фаолият йўналиши бўйича босма оммавий ахборот воситалари, радио, телевидение ва интернет гуруҳига бўлиниб, ҳақамлар олдига ўз гуруҳини тақдим этиш учун унинг номи, шiori ҳамда рамзини ишлаб чиқишга киришди. Бундай ҳамжиҳатлик уларга янада уюшқоқлик билан ижод қилиш ва жамоа бўлиб ишлаш муҳитини яратишга ёрдам берди. Бу ерда иштирокчилар янги билимларга эга бўлди, малакасини оширди ва энг муҳими, янги медиа-лойиҳалар устида ишлади. Ушбу лойиҳаларнинг энг яхшилари келажақда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан амалга оширилади.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши раиси Б. Ғаниев ва бошқалар Президентимиз Исрол Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида баркамол авлодни тарбиялаш умумийлиги вазирига айланганини таъкидлади.

Ҳозирги ахборот маконининг глобаллашуви шароитида, ҳатто арзимасдек туролган ахборот ҳам йиғит-қизларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига ўнглаб бўлмас зарар этакизиши мумкин. Айнан шу сабабли мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни миллий қадриятларимизни эъзозлаш руҳида тарбиялаш, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, мафкуравий ва ахборот хуружлари, “оммавий маданият”нинг салбий таъсиридан ҳимоя қилишда самарали иштирок этаётди. Бундай салбий омиллар ёш авлоднинг онги, мақсади, эҳтиёж ва қизиқишлари, маънавий ҳаётда ахлоқий принциплари шаклланишига ёмон таъсир кўрсатиши мумкин.

(Давоми 3-бетда).

## Японияда Ўзбекистон маданияти кунлари

Япониянинг Ураясу шаҳри Халқаро марказида (Чиба префектураси) Ўзбекистон маданияти кунлари ҳамда мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган тақдирот маросими бўлиб ўтди. Унда “Япония — Ўзбекистон” дўстлик уюшмаси, Чиба префектурасининг Халқаро дўстлик ассоциацияси ва Маданий алмашувлар кенгаши вакиллари, шунингдек, олимлар, жамоатчилик фаоллари ҳамда журналистлар ҳозир бўлдилар.

### БИЗ ВА ЖАҲОН

Мамлакатимиз маданияти кунлари доирасида ташкил этилган кўргазмада адрас ва хонатласдан тикланган миллий либослар, сўзаналар, кулоллик ҳамда халқ амалий санъатининг рангбаранг маҳсулотлари намойиш этилди. Шунингдек, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сайёҳлик имкониятлари, мамлакатимизда “Обод турмуш йили” Давлат дастурининг ҳаётга татбиқ этилишига оид ахборот материаллари ҳам кўргазма меҳмонларининг эътиборига ҳавола қилинди. Мухтасар айтганда, тадбир иштирокчилари Ўзбекистоннинг бой маданий-маънавий мероси, сайёҳлик марказлари ҳамда юртимизда амалга ошири-

лаётган ижтимоий-иқтисодий ва демократик ислохотларга оид маълумотлар билан атрофлича танишдилар. **Ураясу Халқаро дўстлик ассоциациясининг вице-президенти Шигеки Коши** мамлакатимиз хусусидаги ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашар экан, Ўзбекистон алақачон сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги эришгани, дунёнинг кўпгина мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш асносида салмоқли муваффақиятларни кўлга киритганини қайд этди.

— Улкан табиий ресурсларга, иқтисодий ва кадрлар салоҳиятига эга бўлган мамлакатингиз минтақада

тинчлик ва барқарорликни қўллаб-қувватламоқда, — деди у.

**Ураясу шаҳри Халқаро марказининг раҳбари Рико Фужимацу** кўргазмада япон жамоатчилигининг эътиборига ҳавола қилинган маҳсулотлар хусусида тўхталар экан, ўзбек хунармандларининг маҳоратига юксак баҳо берди. Унинг эътирофи эътишима, Ўзбекистон баргида жойлашган тарихий-меъморий ёдгорликлар бутун дунёга машҳур бўлгани боис ушбу кўргазмага ташриф буюрган кўпгина японияликлар юртимиз ҳамда халқимизнинг кўҳна маданияти ва санъати билан янада яқиндан танишиш учун Ўзбекистонга бориш истагини билдирди.

— Япония ва Ўзбекистонни кўп асрлик ҳамкорлик ва гуманитар алмашувлар ришталари боғлаб туради, — деди Рико Фужимацу. — Японлар меҳнаткаш ўзбек халқига ҳурмат билан қарайди. Мен Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқти-

содий соҳаларда эришган муваффақиятларидан таъсирландим. “Обод турмуш йили” Давлат дастурининг ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани аҳоли фаровонлигини таъминлаш масаласига давлат томонидан алоҳида эътибор қаратилётганидан далолат беради.

**Тинчлик ва хавфсизлик институти тадқиқотчиси Хачиро Токуда** ўзбек ва япон халқларининг ўзига хос маданияти, кўҳна аънавалари ва менталитетида маънан яқинлик мавжуд эканлигини таъкидлади.

— Биз ҳам Самарқанд, Бухоро, Хива ва Буюк Ипак йўлининг бошқа шаҳарларидаги ноёб меъморий осориюммонлардан завқланамиз, — деди у. — Ишончим комилки, бўлиб ўтган тадбир Япония ва Ўзбекистон ўртасидаги маданий алмашувлар ҳамда дўстона алоқаларни янада чуқурлаштиришга кўмаклашади.

«Жаҳон» АА. Токио

## КОНСТИТУЦИЯ — менинг тақдиримда

“Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар”.

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 51-моддаси).



## Ижтимоий ҳимоя кафолати

Маълумки, жисмоний шахслар томонидан тўланган мол-мулк ва ер солиқлари маҳаллий бюджет даромадларини тўлдириб, шаҳар ва туманларни иқтисодий ривожлантириш, ободонлаштириш ҳамда аҳолининг ижтимоий эҳтиёжларини таъминлашга сарфланади. Шу боис миллий қонунчилигимизда, хусусан, Асосий Қонунимизда фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбур эканлиги белгилаб қўйилган.

Ихтиёрида солиқ солинадиган мол-мулк ёки ер участкаси мавжуд бўлган жисмоний шахслар, шунингдек, юридик шахс ташкил этган ҳамда ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон ҳўжаликлари мол-мулк ва ер солиғи тўловчилари ҳисобланганлар. Уларга тегишли кўчмас мулк — уй-жой, квартира, дала-ховли, гараж ва бошқа иншоотлар, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ажратилган ер участкалари солиқ объектидир.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси талабларига мувофиқ, жис-

моний шахсларга бу тоифадаги солиқлар суммаси ва уни тўлаш муддатлари кўрсатилган тўлов хабарномаси давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳар йили 1 майдан кечиктирмай топширилади. Уни тўлаш ҳисобот йилининг 15 октябрга аамалга оширилиши шарт.

Таъкидлаш керакки, жисмоний шахслардан олиннадиган мол-мулк ва ер солиқлари ставкалари ҳар йили қайта кўриб чиқилади. Президентимизнинг 2012 йил 25 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги қарорига асосан, жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари ставкалари 2013 йил 1 январдан эътиборан 1,15 бараварга индексация қилинди.

Жисмоний шахсларга тегишли тураржойлар, квартиралар, дала-ховли қурилмалари, гаражлар, бошқа иморат ва иншоотлар учун олиннадиган мол-мулк солиғи ставкаси 1,04 фоиз миқдоридан белгиланди.

(Давоми 2-бетда).

## Юксак салоҳиятли кадрлар

ислохотлар изчиллигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида амалга оширилган ислохотлар муҳим бир мақсадга — ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини ҳаётга изчил татбиқ этиш, ҳокимиятлар ўртасида манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда қонун чиқарувчи ва вакилларнинг ролини кучайтириш, суд тизимини либераллаштириш ва унинг мустақиллигини таъминлаш бўйича долзарб чора-тадбирларни кўришга алоҳида эътибор қаратилган.

Шундан келиб чиқиб, давлат бошқарувини модернизация қилиш ва демократлаштириш, давлат хизмати тизимини такомиллаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўналишида муайян ишлар рўйбга чиқарилмоқда. Айниқса, соҳада замонавий мутахассис ва кадрларни тайёрлаш, уларнинг малакасини мунтазам оширишга қаратилган кенг ўламли сайё-ҳаракатлар изчил олиб борилаётди. Чунончи, Концепция асосида қабул қилинган бир қатор қонунлар бу борада ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Яқинда пойтахтимизда ўтказилган давлат бошқаруви тизимини модернизация қилиш масалаларига бағишланган давра суҳбатида шу хусусда атрофлича сўз юритилди.

(Давоми 2-бетда).



## Саноатчиларимиз эришган ютуқлар

пойтахтимизда бўлиб ўтган VII Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида яққол намоён бўлди

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётида рўй бераётган ўзгариш ва янгиликлар кўлами ниҳоятда кенг. Бинобарин, истиқлол йилларида изчил амалга оширилаётган ислохотлар туфайли барча соҳаларда юқори самардорликка эришиляпти.

Айниқса, ишлаб чиқариш корхоналари модернизация қилиниб, ички бозор ўзимизда тайёрланган замонавий ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдирилаётгани эътиборга моликдир. Пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” мажмуасида бир ҳафта мобайнида

бўлиб ўтган VII Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси том маънода ана шу ўзгариш ва янгиликларни намойиш қилиш майдонига айланди, десак, янгилишмаймиз. Чунки унда саноатчилар ўзаро тажриба алмашиш билан бирга, маҳсулот сотиб

олиш бўйича келишувларга эришдилар, айни пайтда кенг жамоатчилик тармоқларда юз бераётган янгиликлардан бохабар этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 22 февралдаги “2013 йилда Халқаро саноат ярмаркаси ва Ко-

операция биржасини ташкиллаштириш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида ташкил этилган мазкур анжуманда автомобилсозлик, транспорт-коммуникация, энергетика, кимё, геология, қурилиш, матбаа, қайта ишлаш, фармацевтика сингари иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларидаги 1300 дан ортиқ ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг вакиллари қатнашди. Бундан ташқари, тадбирда Ҳамдўстлик давлатлари, Италия, Германия,


Ҳиндистон, Буюк Британия, Жанубий Корея, Хитой каби 55 мамлакатнинг етакчи компания ва фирмалари иштирокчилари ҳам иштирок этдилар.

Таъкидлаш жоизки, ярмарка юртимиз саноатчилари учун жуда самарали бўлди. Масалан, “Akta Group” компанияси тизимидagi корхоналар мутахассислари 30 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот етказиб бериш бўйича шартнома тузишга эришдилар.

(Давоми 2-бетда).

# Саноатчиларимиз эришган ютуқлар

### пойтахтимизда бўлиб ўтган VII Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида яққол намоён бўлди



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

“Ўзбекнефтгаз” Миллий холдинг компанияси ягона техник сиёсат бош бошқармасининг бўлим бошлиғи Ерғен Турсунқулловнинг айтишича, саноатчиларнинг мазкур форуми улар учун ҳам жуда фойдали яқунланди. Гап шундаки, етти кун ичида ушбу компанияга қарашли корхоналар томонидан ички бозор учун 700 миллиард сўмликдан зиёд 600 тага яқин, экспорт учун эса 288,5 миллион АҚШ долларлик 17 та шартнома имзоланди. Бу — ҳар икки йўналиш бўйича ҳам аввалги йилдагига нисбатан сезиларли даражада ўсишга эришилди, дегани.

— Жорий йилги тадбирда иштирокчиларга 300 турдан зиёд маҳсулотларимизни тақдир этдик, — дейди пойтахтимиздаги “Met Fur Servis” масъулияти чекланган жамиятининг тижорат бўйича директори Шамсиддин Исмоилов. — Биласиз, ҳозирги кунда юртимизда автомобилсозлик саноати жадал ривожланиб, Ўзбекистон дунёдаги автомобиль ишлаб чиқарувчи давлатлар сафидан мустақим ҳолга эгиллапти. Бунга ярмаркада намоён этилган замонавий, тежамкор, умуман, ҳар томонлама қулай бўлган юк ва йўловчи ташиш транспортлари, энгил автомобиллар яққол мисол

бўла олади. Шу боис тадбирда корхонамизда ишлаб чиқарилаётган автомобиллар эҳтиёт қисмларига қизиқиш жуда юқори бўлди. Натижада “Ўзавтосаноат” тасарруфидаги корхоналар билан 2014 йилда қарийб 6 миллиард сўмлик маҳсулот етказиб бериш бўйича шартнома туздиқ.

Маълумотларга кўра, тадбир доирасида маҳсулот харид қилиш учун тузилган шартномалар 2012 йилдагига нисбатан 1,24 мартага ошган бўлса, экспорт борасида ўсиш 22 фоизни ташкил қилди.

Тадбир ташкилотчиларининг қайд этишича, ярмаркада тегишли вазирилик ва идоралар, суғурта компаниялари, банклар, стандартлаштириш, сертификатлаш соҳаларига ихтисослаштирилган ташкилотларнинг стэндлари ташкил этилиб, давра суҳбатлари, очиқ мулоқотлар мунтазам ўтказилган ҳам унинг янада самарали кечишида муҳим омил бўлди.

Яқунда, шунингдек, фаол қатнашчилар “Энг яхши стэнд”, “Энг яхши тақдимот” каби йўналишлар бўйича тақдирландилар.

Дилшод УЛУҒМУРDOV, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва БМТ Тараққиёт дастурининг “Маҳаллий бош-

тури билан фаол ҳамкорликни йўлга қўйгани, шубҳасиз, Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ҳамда ижтимоий шерикликни янада

## Юксак салоҳиятли кадрлар

### ислохотлар изчиллигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга

қарув тизимини қўллаб-қувватлаш: фуқаролик иштироки ва ҳамкорлик” қўшма лойиҳаси билан биргаликда ташкил этилган мазкур тадбирда парламент аъзолари, тегишли вазирилик ва идоралар масъуллари, халқаро ташкилотлар вакиллари, мутахассис ва олимлар, экспертлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Қайд этилганидек, айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси томонидан маҳаллий бошқарув органлари салоҳиятини ошириш, самарали ва очик бошқарув тизимини яратиш, бунда юқори малакали кадрлар тайёрлаш, давлат хизматчиларини қайта тайёрлаш, давлат ва жамият бошқаруви соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотлар ўтказишга катта аҳамият берилмоқда. Ушбу йўналишда Академия БМТ Тараққиёт дас-

мустақамлаш йўлида рўёбга чиқарилаётган чора-тадбирларнинг амалий натижаси, дейиш мумкин.

Муҳокама жараёнида томонларнинг биргаликдаги фаолияти атрафлича таҳлил этилди. Хусусан, уларнинг саъй-ҳаракати билан ҳудудлардаги давлат тузилмалари вакилларининг АКТ кўникмасини ошириш, электрон ҳужжат алмашинувини ташкил этиш бўйича <http://max.dba.uz> масофавий ўқув портали ишлаб чиқилди.

Давра суҳбатида иштирокчилар давлат хизматлари тизимини такомиллаштириш, ҳокимият ва бошқарув органларининг очиклигини таъминлаш, электрон ҳукуматни ривожлантириш, давлат хизматларининг инновацион шакллари каби долзарб масалалар юзасидан фикр алмашишди.

Зиёда АШУРОВА.

# хабарлар

■ **Замонавий уй ёки офисларга кўркам, ихчам ва ўзига хос дизайнга эга мебеллар ярашади.** Бухоро туманида иш бошлаган “Бисёр Шергирон мебель” хусусий корхонаси жамоасининг фикрича, мебеллар жуда ҳам мустақам бўлиши керак.

## Кўркам, ихчам, мустақам

Корхонада умумий қиймати 215 минг АҚШ долларлик янги лойиҳани рўёбга чиқаришда ана шу оммиларга эътибор қаратилди. Натижа эса ўзини куттирмади. Корхона мижозлари сони охиб бормоқда. Замонавий асбоб-ускуналар би-

лан жиҳозланган, йилга 300 мингдан зиёд турли мебел маҳсулотлари тайёрлаш қувватига эга мазкур корхонада айни пайтда 12 киши меҳнат қилапти.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

■ **Марғилон шаҳрида “Турон Водий текс” масъулияти чекланган жамияти иш бошлади.** Йилга 3400 тонна калава ипни қайта ишлаб, сочиқ тайёрлашга мўлжалланган ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 1 миллиард 673 миллион сўмлик маблағ йўналтирилди.

## Маҳсус дастур имконияти

Ҳозир бир ерда 20 киши меҳнат қилапти. Йил охирига яна 800 минг АҚШ долларлик маблағ эвазига ишлаб чиқариш қувватини ошириш чоралари кўрилмоқда.

Эътиборлиси, шу йилнинг ўтган даврида Марғилон шаҳри саноат салоҳиятини юксалтириш бўйича ишлаб чиқилган маҳсус дастурга мувофиқ, 27 та шу каби лойиҳа рўёбга чиқарилди.

Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

■ **Янгиқўрғон тумани Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофиз қилиш маркази ҳамда бир қатор ҳамкор ташкилотлар кўмагида ўтказилган навбатдаги меҳнат ярмаркасида 132 нафар фуқаро ишга жойлашиш учун йўлланмага эга бўлди.**

## Меҳнат ярмаркаси

Тадбирда тумандаги 78 та корхона, ташкилот ва фермер хўжаликлари 214 та бўш иш ўрни билан иштирок этди. Ярмаркага ташир буюрган 185 нафар фуқаро иш

берувчилар томонидан меҳнат шарт-шароитлари билан яқиндан таништирилди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

■ **Янгиўл туманидаги “Гулнора ният” хусусий корхонасида тайёрланаётган трикотаж маҳсулотларига буюртмалар ҳажми кескин кўпайди.**

## Буюртмалар ҳажми кўпайди

Масалан, ўтган йили бу ерда 143 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилда ушбу кўрсаткич камида уч баробарга орттириш кутилляпти.

Бунга корхона жамоасининг янги бизнес лойиҳаси 2013 — 2015 йилларда Тошкент вилоятининг саноат салоҳиятини ошириш дастурида акс этиши тўғрисида эришилди. Аниқроғи, дастур шарофати билан “Гулнора ният”га банкнинг қарийб 200 минг АҚШ долларлик молиявий кўмаги йўналтирилди. Шу ҳисобдан 20 та қўшимча тижув машинаси харид қилинди. Жамоа чеварлари янги андозадаги либослар яратиш ва ишлаб чиқариш ҳажмининг йилга 1 миллион донагача етказиш ниятида астойдил меҳнат қилишляпти.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

■ **Деҳқонобод туманидаги Қорашина кўрғонид аҳолига “Ягона ойна” тамойили асосида алоқа хизмати кўрсатувчи офис фойдаланишга топширилди.**

## «Ягона ойна» тамойили асосида

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси томонидан амалга оширилган ушбу лойиҳа тўғрисида бу ерда мижозларга интернет, симсиз телефон ва “CDMA-450” стандартидаги мобил интернет, видеотелефон ҳамда рақамли телевидение каби хизмат-

лар кўрсатиш йўлга қўйилди.

Жорий йил охирига юртимиз шаҳар ва туманларида “Ягона ойна” тамойили бўйича ишлайдиган яна 19 та аша шундай офис ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Аҳад ҚИЁМОВ.

## Сирдарё томонларда

Янгиер шаҳридаги “Мос-Янтекс” қўшма корхонасида кийимларга расм тушириш ва безак бериш ўзлаштирилди.

## Либосларда — рангин суратлар

Бунинг учун корхонада 404,5 миллион сўмлик модернизациялаш тадбирлари рўёбга чиқарилди. Бу маблағ эвазига хорижнинг энг илгор технологик ускуналари харид қилинди. Хусусан, Польшадан келтирилган кийимларга расм туширувчи дастгоҳ ҳозирча мамлакатимизда ягона ҳисобланади.

Эътиборлиси, қўшма корхонада ишлаб чиқарилаётган кийимларнинг 95 фоизи хорижлик харидорларга сотилмоқда. Хусусан, ўтган қисқа муддатда бу ерда амалга оширилган экспорт ҳажми 1 миллион 34 минг АҚШ долларини ташкил этди.

## Фермер хўжалигида янги корхона

Сардоба туманидаги “Барак” фермер хўжалиги қошида “Сардоба ғишт саноат” хусусий корхонаси иш бошлади.

Натижада Сирдарё вилоятининг Сардоба, Оқолтин, Мирзаобод туманларидаги қурилиш ташкилотлари ва аҳоли учун узокдан ғишт келтириш муаммоси ҳал этилди. Умумий қиймати 600 миллион сўмлик лойиҳани амалга оширишга банк томонидан 119 минг АҚШ долларлик кредит ажратилди. Натижада корхона хорижнинг илгор технологияси билан жиҳозланди.

Айни кунда 30 кишининг бандлиги таъминланган ушбу корхонада соатига 10 минг донагача сифатли деворбоп материаллар тайёрланапти.

## Маҳсулдорлик ортади

Мирзаобод туманидаги “Мирзаобод Асп Парранда” масъулияти чекланган жамияти томонидан паррандачилик фабрикаси ишга туширилди.

Бунинг учун 10 миллиард сўм маблағ сарфланиб, замонавий ускуна ва жиҳозлар харид қилинди. Ҳозир бу ерда 45 мингта товук парвариланяпти. Келгуси йилдан бошлаб мазкур кўрсаткични 200 мингдан ошириш кўзда тутиляпти. Яна бир эътиборли жиҳати, янги лойиҳа шарофати билан 40 кишининг бандлиги таъминланди.

Аҳмаддод ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Яқинда мазкур ишлаб чиқариш субъектлари қаторига масъулияти чекланган жамият шаклидаги “Жиззах пластик” Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси ҳам қўшилди. Пировардида бу ерда пахта толасини қайта ишлаш ҳамда янги турдаги маҳсулотлар — калава ип, мато ва тайёр три-

сида корхонанинг биринчи навбати ишга туширилиб, йилга 12 минг тонна пахта толасини қайта ишлаш ўзлаштирилди ҳамда 8,5 минг тонна калава ип ва 4 минг тонна трикотаж мато тайёрлаш имконияти яратилди. Ўз навбатида, 640 нафар йигит-қизнинг бандлиги таъминланди. Ҳадемай, бу ерда мато тўқиш линияси ишга тушган, уларнинг сони 1050 на-



# ЗАМОНАВИЙ УСКУНАЛАР ВА СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР



котаж буюмлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

— Корхонамиз Жиззах шаҳридаги собиқ пайпоқ тўқув фабрикасининг бўш турган биноси негизда ташкил этилди, — дейди “Жиззах пластик” қўшма корхонаси бош директори Аскар Иноғомов. — Ўтган давр мобайнида 47 миллион АҚШ долларлик миқдорда маблағ ўзлаштирилди. Жумладан, бино-иншоотлар қурилиши ва реконструкцияси ҳамда муҳандислик инфратузилмаси учун 16 миллион доллар сарфланди. 31 миллион долларга эса Германиянинг “Тручлер”, “Орликон”, “Террот”, Италиянинг “Марцолли”, Швейцариянинг “Устер” компаниялари томонидан ишлаб чиқарилган юқори технологик дастгоҳлар сотиб олинди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллик байрами арафа-

фарга етади. Иккинчи навбати келаси йилга мўлжалланган бўлиб, бу босқичда йилга 4 минг тонна трикотаж матони бўйлаб ва ишлов бериш, 6 миллион дона тайёр кийим-кечак тайёрлаш йўлга қўйилди ҳамда 700 та қўшимча иш ўрни яратилади.

Ўтган қисқа даврда корхонада 576 минг АҚШ долларлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 100 минг долларлиги маҳаллий саноатчиларга етказиб берилди. Қолган қисмини эса, шартномага мувофиқ, Европа ҳамда Ҳамдўстлик мамлакатларига экспорт қилиш мўлжалланмоқда.

— Яқинда Президентимизнинг Жиззах вилоятига ташириш чоғида фаолиятини билан яқиндан танишиши жамоамиз аъзолари кўнглини тоғдек кўтариб юборди, — дея сўзида давом этади А. Иноғомов. — Корхонанинг

мамлакат энгил саноати ривожига муносиб ҳисса қўшишига ишонч билдирди. Монтажчи-созловчи ва ишчи-хизматчилар билан мулоқот қилиб, уларнинг меҳнатига муносиб баҳо берди. Қизгин ва самимий тарзда ўтган суҳбат барчамизни руҳлантириб юборди. Ҳақиқатан ҳам, Германиядан олиб келинган технологик ускуналарни монтаж қилишда жиззахлик ёшлар немис мутахассисларидан асло қолишмади. Бу мамлакатимизда йигит-қизларнинг билим ва касб-хунар эгаллашлари учун яратилган шарт-шароитлар самарасидир. Германиялик ҳамкорларимиз ҳам ўзбек мутахассисларидаги интилувчанликка, янгилик ва замонавий технологияларни тез ўзлаштириб олишига қўйил қолишди.

Давлатимиз раҳбари учрашув чоғида ҳудуднинг иқтисодий салоҳияти ва ички имкониятларига юқори баҳо берар экан, юксак сифатли пахта хом ашёси етиштириладиган вилоятда толани қайта ишлайдиган ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган замонавий корхоналарни кўпроқ ташкил қилиш, бундай корхоналарда ҳаётга катта умидлар билан кириб келаётган ёшларимиз бандлигини таъминлаш гоят муҳим вазифа эканлигини алоҳида таъкидлади. Қолаверса, хом ашёни сот-

гандан қўла, тайёр маҳсулотни экспорт қилиш катта даромад омилли эканлигини алоҳида уқтирдилар. Аслида ҳам, 1 килограмм толани қайта ишлаш ҳисобига калава илдан олинандиган соф даромад 1,2-1,5 долларни ташкил этса, мато тайёрлашдан 2,5-3 доллар ва тайёр кийим-кечак ишлаб чиқариш ҳисобига эса 7 долларгача соф даромад қилинади.

— Жиззах энгил саноат касб-хунар коллежини битириб, шу ерда фаолият бошладим, — дейди Моҳинур Қаҳҳоров. — Корхонамизнинг технологик линияси энергия тежамкорлиги, экологик жиҳатдан тозаллиги, дастгоҳларга маҳсус микроқурилмалар ўрнатилганлиги билан ажралиб туради. Ушбу қурилмалар воситасида ускуналардаги нуқсонларни масофадан туриб компьютер орқали ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш имкониятлари мавжуд экан.

Дарҳақиқат, “Жиззах пластик” жамоаси юксак марраларни кўзлаб, катта ғайрат-шижоат билан иш бошлади. Уларнинг мақсади эзгу: давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, хорижа арзон баҳода хом ашё эмас, балки бирламчи ва иккиламчи тайёр маҳсулотларни юқори нархларда экспорт қилишдан иборат. Корхонада йил якунигача камида 3 миллион АҚШ долларлик маҳсулотни Европа ва Ҳамдўстлик мамлакатларига экспорт қилиш режалаштирилган, келгуси йилда эса мазкур кўрсаткич 20 миллион доллардан ошиши кутиллягани бунинг яққол тасдиғидир.

Улуғбек АДИЛОВ, Шомурот ШАРАПОВ (суратлар), «Халқ сўзи» мухбирлари.

# Ижтимоий ҳимоя кафолати

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу билан бирга, шаҳарларда жойлашган тураржойлар ва квартиралар учун, уларнинг умумий майдони 200 квадрат метрдан 500 квадрат метргача бўлганда, мол-мулк солиғи ставкалари жами инвентаризация қийматига 1,25 фоиз, ундан ошганда 1,55 фоиз миқдорда тўланади.

Агар мамлакатимиз фуқаролари томонидан уй, дала-ховли ва бошқа иморатлар, тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган ёхуд юридик шахсга ёки яққа тартибдаги тадбиркорга ижарага берилган тақдирда, шунингдек, жисмоний шахсларнинг мулкида бўлган яшаш учун мўлжалланмаган жойлар бўйича мол-мулк

ва ер солиқлари юридик шахслар учун белгиланган ставка бўйича тўланади.

Конунчилигимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож айрим тоифалари учун имтиёзлар кўзда тутилган, айниқса, эътиборлидир. Жумладан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари, I ва II гуруҳ ногиронлари, ёлғиз пенсионерлар, боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар, чўпонлар ҳамда яллов чорвачилигининг бошқа хизматчилари ер солиғидан озод қилинган.

Шуни ҳам унутмаслик керакики, мол-мулк ва ер солиқларини мудаттида тўламаган жисмоний шахслар учун жавобгарлик чоралари мавжуд. Яъни агар

йиллик ҳисобланган солиқ ўз вақтида тўланмаган тақдирда, тўлов мудатидан кейинги кундан эътиборан ҳар бир кун учун қонунда белгиланган тартибда пеня ҳисобланади.

Шу билан бирга, Солиқ кодексига мувофиқ, давлат солиқ хизмати органи солиқ даври тугаганидан кейин беш йил ичида солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ёки уларнинг ҳисобланган суммасини қайта кўриб чиқиш ҳуқуқига эга. Мабоодо, аввалги даврлар учун қарздорлик аниқланса, у ҳолда солиқ беш йилдан кейин бўлса ҳам ундириб олинади. Буларнинг барчаси солиқ тўлашининг муқаррарлигидан далолатдир.

Баҳодир АБИУЛЛАЕВ, Давлат солиқ қўмитаси Жисмоний шахсларга солиқ солиш бош бошқармасининг бўлим бошлиғи.

ХАЗИНА

“Навоийазот” очик акциядорлик жамияти томонидан Нурута туманининг чўл худудидаги 2 гектар майдонда паррандачилик фабрикаси барпо этилди.

Илғор услуб

Мазкур мажмуа 345 минг АҚШ долларилек маблағ эвазига Украинадан келтирилган технология билан жиҳозланди. Мухими, бу ерда 45 кишининг бандлиги таъминланди.

Яна бир эътиборли жиҳати, корхона томонидан ушбу парранда фабрикасида ёндош тарзда 113 гектарлик боғ ҳам яратилди. Ҳозир бу ерда академик Маҳмуд Мирзаев номидаги республика боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институтининг Самарқанд филиалидан келтирилган ўрик, олма, нок каби мевали кўчатлар парвариш қилинапти.

Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ҚУЛАЙЛИК

Урганч шаҳрида 64 та савдо дўкони, гўзаллик саломи, дориҳона, алоқа каби бир неча хизмат кўрсатиш шохобчаларини ўз ичига олган кўркам савдо ва майиш хизмат кўрсатиш объекти фойдаланишга топширилди.

Муҳташам мажмуа

Шаҳар кўрகига кўрк қўшган ушбу муҳташам мажмуани куриш ва ободонлаштириш ишлари “Darilat shoes” масъулияти чекланган жамияти томонидан 1 миллиард сўмдан ортиқ маблағ эвазига амалга оширилди. Бу ерда харидорлар, сотувчилар ва мижозлар учун барча шарт-шароит муҳайё этилган бўлиб, 10 дан ортиқ иш ўринлари яратилди.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



ТАШАББУСКОР ЁШЛАР УЧУН МЕДИА-ТРЕНИНГ

◀(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда беш миллиондан ортиқ йигит-қизни ўз сафида бирлаштирган “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати оммавий ахборот воситалари билан ишлаш, ўз фаолиятида очик-ошкорлик ва транспарентлик хириндиларига риоя этишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Масалан, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати “Туркистон” ва “Молодёжь Узбекистана” газеталари, “Ёш куч” журнали, “Бунёдкор” телеклуби, kamolot.uz веб-сайти таъсисчиси, шунингдек, “Ёшлик”, “Синфдош”, “Гулхан”, “Гуна”, “Тонг юлдузи” ва “Класс!” нашрларининг ҳаммуассиси ҳисобланади. Бундан ташқари, ёшлар сиёсатини ёритиш бўйича унлаб оммавий ахборот воситалари билан

ҳамкорлик қилиниб, қўшма режалар ишлаб чиқилган. Бундай ҳамкорлик самарасида оммавий ахборот воситаларида маънавияти юксак, мустақил фикрлайдиган авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, ёшлар ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, ижтимоий ёрдам кўрсатиш, йигит-қизларнинг жамиятимизда амалга оширилаётган ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш, турли соҳалардаги ютуқлари ва бошқа йўналишларга таалуқли материаллар чоп этилаётди. “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан ёшларда мамлакатимиз ва дунёда рўй бераётган воқеалар ҳусусида мустақил ҳамда ҳолис фикрчи,

ташқаридан бўладиган турли ахборот хуржурларига қарши аниқ фуқаролик позициясини шакллантиришга қаратилган бир қанча медиа-лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Жумладан, “Камолот” мехмони он-лайн учрашувлари, “Йилнинг энг фаол ёш журналисти”, “МП.uz” миллий интернет танлови ва бошқалар шулар жумласидандир. Кенг жамоатчиликни ёшлар ҳаракати фаолияти

чидан, тadbир “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг жойлардаги ахборот хизматлари ходимлари учун ўзига хос маҳорат мактаби вази фасини ўтади. Ўз фаолиятини энди бошлаган йигит-қизлар ташкилот фаолиятида ахборот хизматининг роли, омма олдидан сўзлаш ва нотиклик маҳорати, ахборот хизмати ишида интернет-ресурслардан фойдаланиш, медиа-лойиҳаларни ишлаб чиқиш технологияси каби ва бошқа ма-

бўлган эҳтиёжини қондириш, уларда ёшлар ҳаракати фаолиятига нисбатан қизиқишни шакллантиришга қаратилган. Ушбу вази фасларни амалга оширишда бундай тadbирлар учун махсус танлаб олинган ўқитувчи-мураббийларнинг юксак маҳорати алоҳида ўрин тутди. Иштирокчиларнинг айримлари медиа-тренинг фойдаси ҳақида ўз фикрларини билдирди.

— Тadbир юксак таъкилий савияда ўтди ва шахсан менга “Ёшлар ҳаракатида ахборот хизмати қандай бўлиши керак?” деган саволга жавоб топиш имконини берди, — дейди “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Фарғона вилояти кенгаши ахборот хизмати-нинг етакчи мутахассиси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибни Дилнавоз Қўлдошева. — Ўқув машғулотлари ва маҳорат сабоқларида амалий журналистика соҳасида қимматли билимга эга бўлди. “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолияти тўғрисида ўз билимини янада бойитди, ёшлар ташкилотларидаги мавжуд камчиликларни муҳокама этиб, уларни бартараф этиш юзасидан тақлифлар киритди, тасвирлар билдирди, ахборот хизматлари ходимлари билан таъриба алмашди.

зулар бўйича муҳим билимларга эга бўлди.

Медиа-тренинг республика оммавий ахборот воситалари журналистлари учун ҳам фойдали бўлди. Улар журналистика соҳасида ва “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолияти тўғрисида ўз билимини янада бойитди, ёшлар ташкилотларидаги мавжуд камчиликларни муҳокама этиб, уларни бартараф этиш юзасидан тақлифлар киритди, тасвирлар билдирди, ахборот хизматлари ходимлари билан таъриба алмашди.

Тadbир давомида матбуот, радио, телевидение ва интернет учун медиа-лойиҳалар ҳам ишлаб чиқилди. Бу лойиҳалар ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, иқтисодий, ҳуқуқий, экологик, спорт маданиятини ривожлантириш, турли мазбу бўйича теъкор ҳамда қизиқарли ахборотга

Сардор ТОҶИЕВ, ЎЗА мухбири.

ЖАҲОН 24 соат ичида


Ўтган ҳафтада Португалия парламенти келгуси йилда давлат харажатларини қисқартиришни назарда тутувчи бюджет лойиҳасини тасдиқлади.

Ислохотлар давом эттирилади

“Евроныйос” телеканалда айтилишича, Европа Иттифоқи, Европа марказий банки ҳамда Халқаро валюта жамғармаси томонидан мамлакатда 78 миллиард евро микдорда молиявий ёрдам ажратилиши муносабати билан кўйилган шартга мувофиқ, Португалия ҳукумати 2011 йилдан буён қаттиққўл иқтисодий ислохотларни амалга ошириб келмоқда. Ана шу жараён 2014 йилда ҳам давом эттирилади. Демак, келгуси йилда давлат харажатларини 3 миллиард евродан зиёроққа қисқартириш, бюджет тақчиллигини ҳозирги 5,9 фоиздан 4 фоизга тушириш, давлат хизматиде фаолият юритаётганларнинг ойлик маошини эса 2,5 фоиздан 12 фоизгача камайитириш режалаштирилмоқда.

Икки хил тутилиш юз берди

Яқшанба куни дунёнинг бир қатор давлатларида Қуёшнинг икки хил тутилиш ҳолати кузатилди.



Яъни ҳам халқасимон, ҳам тўлиқ Қуёш тутилиши қайд этилди. АҚШ, Лотин Америкаси, Жанубий Европа ва Яқин Шарқ худудидаги мамлакатлар фуқаролари халқасимон кўринишга гувоҳ бўлдилар. Африканинг Габон, Конго, Уганда, Кения ва Эфиопиянинг жанубий қисмида яшовчилар эса Ой Қуёшни тўлиқ ёганини кўришди.

Бу турдаги Қуёш тутилиши охириги бор 2005 йилнинг апрелида кузатилганди. Навбатдагиси эса ўн йилдан сўнг рўй бериши айтилмоқда.

Ортиқча вазнга қарши солиқ

Аҳолисининг ортиқча вазн ҳамда семизликка чалиниш ҳолати бўйича Мексика дунёда олдинги ўринларда туради.

Шу боис ҳам мамлакат ҳукумати фуқаролар соғлигини асраб-авайлаш мақсадида қатор чора-тадбирларни қўлламоқда. Жумладан, Мексика парламенти тўйимли таомлар ҳамда газланган ширин ичимликлар учун қўшимча солиқ солиш тақлифини маъқуллади. Эндликда ҳар 100 грамм маҳсулот таркибиде 275 ва ундан ортиқ микдорда килокалория бўлганда, саккиз фоизлик солиқ олинади. Ширин ичимликларда эса ҳар бир литри учун 1 песо (8 АҚШ центи)дан қўшимча маблағ ундирилади.

Шифокорларнинг таъкидлашича, семизлик қандли диабетни келтириб чиқаради, томиларни зўриқтиради, ўпка ва юракнинг меъёрий фаолиятини бузилади, қон босимни кўтарилишига сабаб бўлади, шунингдек, инсулът ҳамда фалаж эҳтимолини кучайтиради.

Соҳил яқинида ҳалокат

Таиланднинг Паттайя шаҳри соҳиллари яқинида йўловчи пароми ҳалокатга учради, дейилади маҳаллий “Thairath” газетаси хабариде.

Натижада олти киши ҳаётдан кўз юмган, юз нафардан ортиқ одам жараҳатланган, 20 киши эса бедарак йўқолган. Воқеа юз берган вақтда сув транспортиде 200 киши бўлгани айтилмоқда. Айрим манбаларда фалокат айнан меъёридан кўп йўловчи олингани тўғрисида келиб чиққани таъкидланапти. Баъзи ахборот

Рекорд янгиланди

АҚШлик 27 ёшли автоҳаваскор Эд Болиан мамлакатнинг шарқий соҳилидан фарбий соҳилигача бўлган 4527 километр масофани қарий 29 соатда босиб ўтиб, янги рекорд ўрнатди.

“Mercedes CL 55” русумидаги автоуловни бошқарган Эд ўртгача 156 километр-соат тезлик билан ҳаракатланган. Йўлда у уч марта ёнигли қуйиш шохобчасида тўхтаган. Айтиб ўтиш жоиз, 2006 йилда ўрнатилган олдинги рекорд 31 соат 4 дақиқани ташкил этганди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Иссиқхонани қуёш иситади

Иссиқхоналарни қуёш нури ёрдамида иситиш энергия тежашининг самарали усулидир. Мазкур илғор технология кичик ер майдонларидан юқори ҳосил олиш имконини беради.

ЯНГИЛИК

Китоб туманидаги “Жўрабек Абдумурод ўғли” деҳқон хўжалиги раҳбари Абдумурод Ашуров бунди амалда иботлади. Глобал экологик жамғарма (GEF)нинг мамлакатимиздаги кичик грантлар дастури (SGP) кўмагида “Энергия тежовчи иссиқхоналарни синаш ва мослаштириш” лойиҳаси доирасида таъриба орттир-

ган мутахассис “Термос” усулида қурилган иссиқхоналарда йилнинг тўрт фаслида ҳам витамин-бунди амалда иботлади. Глобал экологик жамғарма (GEF)нинг мамлакатимиздаги кичик грантлар дастури (SGP) кўмагида “Энергия тежовчи иссиқхоналарни синаш ва мослаштириш” лойиҳаси доирасида таъриба орттир-

4 метрга тенг ушбу иншоотнинг ўзига хос жиҳати шундаки, унинг устки томони қалин полиэтилен плёнка билан икки қават қилиб ёпилади. Қарий 80 сантиметр қалинликдаги орқа ва ён деворлари орасида ҳам эни 10 сантиметрга тенг бўшлик қолдирилади. Зарурат туғилганда, бу бўшлиққа иссиқ ҳаво ҳайдаб, ўта совуқ кунларда ҳам ичкаридаги ҳарорат муътадиллигини сақлаб туриш мумкин. Бунга қўшимча равишда полиэтилен плёнка устига кўчма “термоёпинчик” — брезент, синтепон ва бўздан

тайёрланган ўзига хос “кўрпа” жойлаштирилган. Қишда кун давомида қуёш нурларини тўсмаслик учун ичхам йиғиб қўйиладиган бу ёпинчикдан тунда иссиқхонанинг олд қисмини тўлиқ ёпиш учун фойдаланилади. Қуёш нурлари таъсирида бир оз қизиган деворлар “термоёпинчик” ёрдамида кун чиққунга қадар иссиқликни ўзиде сақлаб туради. Айни пайтда хўжаликнинг ана шундай усулда қурилган 3 сотиқли иссиқхонасида цитрус мевалар, эртки помидор, бодиринг ва барна резаворлар ештириляпти.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Реклама ва эълонлар

Хабар
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ КЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2013 ЙИЛ 26 ОКТЯБРДАН 1 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
Кўйидаги ихтисосликлар бўйича катта илмий ходимлар-изланувчилар ва мустақил изланувчиликка қабул эълон қилади.
КАТТА ИЛМИЙ ХОДИМЛАР-ИЗЛАНУЧИЛАР
01.04.04 Физик электроника
01.04.10 Яримўтказгичлар физикаси
02.00.06 Юқори молекуляр бирикмалар
02.00.08 Нефть ва газ қимёси ҳамда технологияси
05.02.01 Машинасозликда материалшунослик (тармоқлар бўйича)
05.02.02 Механизмлар ва машиналар назарияси. Машинашунослик ва машина деталлари
05.11.01 Асбоблар. Улчаш ва назорат қилиш усуллари (тармоқлар бўйича)
05.13.07 Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштириш ҳамда бошқариш
Катта илмий ходимлар-изланувчилар ҳамда мустақил изланувчиликка кирувчилардан ариза ва хужжатлар 2013 йил 15 ноябрғача қабул қилинади.

«Universal Auktions Invest» МЧЖ Фарғона вилояти филиали
ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЁТАДИ
2013 йил 21 ноябрь куни соат 10.00 да бошлангич баҳоси бошқичма-бошқич охиб бориш тартибиде ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари тақдоран кўйилмоқда:
• Олтириқ тумани СИБ томонидан ФИБ Риштон туманлараро судининг 2012 йил 12 сентябрдаги 1-125/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «12-автокорхона» МЧЖда сақланаётган, 1987 йилда ишлаб чиқарилган «КамАЗ-5320» русумли, хаворанг тусли, давлат рақами 15 АН 277.
Бошлангич баҳоси — 25 501 870 сўм.
• Кува тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2012 йил 23 январдаги 15-12-03/2417-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1980 йилда ишлаб чиқарилган, «ЗИЛ-130» русумли, давлат рақами 15 АҚ 268.
Бошлангич баҳоси — 2 756 365 сўм.
• Риштон тумани СИБ томонидан ЖИБ Ўзбекистон тумани судининг 2010 йил 13 январдаги 1-8-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Риштон «Давлат таъминот савдо» МЧЖда сақланаётган, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, «КамАЗ» русумли, кулранг тусли, давлат рақами 15 Х 34 26.
Бошлангич баҳоси — 21 743 444 сўм.
• Суд департаменти Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2012 йил 8 августдаги 2-50/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олтириқ тумани, Дустлик кўчаси, «КМК-1» корхонасида сақланаётган, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «Форланд» русумли, давлат рақами 15 АН 909.
Бошлангич баҳоси — 30 595 560 сўм.
Мазкур автотранспорт воситалари ушбу кундаги савдода сотилмаган тақдирда тақдорий савдо 2013 йил 6 декабрь куни соат 10.00 да бўлиб ўтади.
2013 йил 6 декабрь куни соат 10.00 да ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари ва тиркама кўйилмоқда:
• Богод тумани СИБ томонидан ФИБ Марғилон туманлараро судининг 2013 йил 25 мартдаги 1-448-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2004 йилда ишлаб чиқарилган, «Минибус М24» русумли, ранги оқ, давлат рақами 40 Л 965 ЖА.

«КОСНМАС MULK SAVDO KIZMATI» МЧЖ
Бошлангич баҳоси бошқичма-бошқич охиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф ётади.
Аукцион савдосига «KDB BANK O'ZBEKISTON» ЕАЖ томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2012 йил 29 октябрдаги 19-33/209-сонли хатига ва банк бошқаруви мажлиси қарорига асосан, Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Бобур Мирзо кўчаси, 6-уйда жойлашган, умумий майдони 369,50 кв.м. бўлган гўзаллик саломи биноси кўйилмоқда.
Бошлангич баҳоси — 860 000 000 сўм.
Аукцион савдоси 2013 йил 22 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишининг охириги мuddати — 2013 йил 20 ноябрь куни соат 18.00.
Юқоридаги кўчмас мулк 2013 йил 22 ноябрь куни сотилмаган тақдирда, тақдорий савдо 2013 йил 29 ноябрь, 6 декабрь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади. Тақдорий савдолар учун аризалар қабул қилишининг охириги мuddати: 2013 йил 29 ноябрдаги савдо учун — 27 ноябрь, 6 декабрдаги савдо учун — 4 декабрь кунлари соат 18.00.
Аукцион савдосида иштирок этиш учун ариза, закалат келишуви, закалат пули тўланганлиги тўғрисидаги хужжат нуҳсаси, юридик шахсларнинг гувоҳнома ва таъсис хужжатлари нуҳсаси, жисмоний шахслар паспорт нуҳсаси, вакил иштирок этганда ишончнома тақдим этилади. Савдо фолиби деб топилган шахсга 20 иш кунини ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Мулк учун тўловни амалга ошириш шакли ва мuddатлари сотувчи томонидан олди-сотди шартномаси тузиш вақтида белгиланади.
Талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган микдордаги закалат пулини «Kosnmas mulk savdo kizmati» МЧЖнинг ОАИБТ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.
Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Корақамш кўчаси, 1-«А» ўй.
Телефон: (8-371) 228-79-52, www.1kms.uz
Лицензия: RR-0001.

Аукцион савдосини ўтказиш ва қўшимча маълумот учун манзил: Фарғона шаҳри, академик Авлиёвнинг Мухаммадиев кўчаси, 64-«А» ўй, 16-хона. Муржаат учун телефон: (+99895) 404-44-78.
Гувоҳнома № 004059.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

## Ўзбек ёш ижрочилари Боку халқаро болалар фестивалида

Маълумки, Ўзбекистонда ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш ва уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Бундай ғамхўрлик эса ўз самараларини бермоқда.

### ЭЪТИРОФ

Жумладан, мамлакатимизнинг ёш ижодий жамоалари турли халқаро мусиқа танловларида қатнашишлари ҳамда аъло натижалар билан юртра қайтишлари оддий ҳолга айланган.

Яқинда Озарбайжон ёшлар ва спорт, маданият ва сайёҳлик вазирликлари ҳамда «Каинат» ёшлар ташкилоти кўмагида Бокуда ўтказилган Муғам В Халқаро болалар фестивалининг финал босқичида ўзбекистонлик ёш ижрочиларнинг иштироки ҳам муваффақиятли бўлди. Озарбайжон ҳукумати, ижтимоий-сиёсий доиралари, дипломатия корпуси вакиллари, таниқли санъат арбоблари ҳамда мусиқа илҳомчилари ушбу халқаро анжуманининг меҳмони бўлдилар.

Танловда Озарбайжон, Афғонистон, Миср, Эрон, Ироқ, Қирғизистон, Қозғистон, Ўзбекистон ва Туркменистондан 16 ёшгача бўлган 20 нафар ёш ижрочилар қатнашди. Кучли рақобатга қарамай, Ўзбекистон жамоаси истеъдоди ва маҳоратини муносиб равишда намойён этди. Мамлакатимиз ёш ижрочиларининг чиқишлари танлов ҳайъатининг юқори баҳолигига ва томошабинларнинг гулдўрос оқлишларига сазовор бўлди.

Танлов натижалари эълон қилинганда, Ўзбекистон вакилларининг номлари бир неча бор тилга олинди. Энг ёш ижрочи Дониёрбек Жасурбеков ёш ва талантили ижрочи номинацияси бўйича тақдирланди. Самарқанд-

лик Рухсора Облоқулова эса озар халқининг мураккаб ашулаларидан бири — «Баёти Широз»ни маромига етказиб ижро этгани учун халқаро танловнинг учинчи поғонасига ҳамда ҳайъатнинг махсус совринига муносиб топилди.

— Ёш иқтидор эгалари тайёрлаб келган куй-қўшиқлар, уларнинг ўз чиқишлари билан тингловчи қалбини қириб боришга бўлган табиий ва самимий интилишлари танлов меҳмонларига олам-олам завқ-шавқ бағишлади, — дейди **Боку давлат университетининг илмий ходими Саида Гулиева**. — Танловнинг ҳар бир иштирокчиси ўз халқининг маданиятини муносиб равишда тақдим қилди. Ўзбекистонлик ёш талант эгасининг Озарбайжон халқ ашуласини моҳирлик билан ижро этгани эса тингловчиларни бениҳоя қойил қолдирди.

«Жаҳон» АА.  
Боку

### Бунёдкорлик

Нурчилар шаҳри — Ширинда болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фойдаланишга топширилди. Мазкур иншоот 581 миллион сўмдан зиёд маблағ эвазига барпо этилди.

## Баркамол авлодга ғамхўрлик

Спорт мактаби иккита минифутбол майдони, теннис корти, машғулотлар ва тренажёр залига эга. Шунингдек, янги мактабда болалар ва ўсмирлар учун бошқа зарур қулайликлар ҳам яратилди.

— Бу ерда бир вақтнинг ўзида 320 нафар ўсмир малакали мураббийлар қўл остида спорт машғулотида қатнашиши мумкин, — дейди спорт мактаби директори Улуғбек Эшиев.

Ш. АҲМАДАЛИЕВ.

## Варзикда футбол майдони

Чуст туманидаги Варзик қишлоғида «миллионлар ўйини» илҳомчилари учун катта имконият яратилди. Улар энди кундалик машғулотлар ва ўртоқлик учрашувларини қишлоқда барпо этилган замонавий футбол майдонида ўтказадиган бўлдилар.

Ушбу лойиҳа хусусий тадбиркор Расулжон Салоев ташаббуси билан амалга оширилиб, бу ерда қишлоқ ёшларининг спорт

билан мунтазам шуғулланишлари учун шарт-шароитлар ташаббуси билан амалга оширилиб, бу ерда қишлоқ ёшларининг спорт



бошқа ёрдамчи бинолар қишлоқ ёшларига жуда маъқул тушди. Иншоот қурилиши учун 180 миллион сўмдан зиёд сармоя сарфланди. Тез орада бу ерда теннис корти, чўмилиш ҳавзаси ва соғломлаштириш зали ҳам бунёд этилади.

Н. ҚУДРАТОВ.



## Мақсад — хасталикнинг олдини олиш

Хабарингиз бор, ноябрь ойи «Қандли диабетга қарши курашиш ойлиги» деб эълон қилинган. Бундан кўзда тутилган мақсад аҳолининг диабет буйича тиббий савдоҳонлигини ошириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишдир.

### САЛОМАТЛИК

Кеча Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитасида Республика иқтисодлаштирилган Эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази томонидан мазкур ойлик доирасида скрининг текширувлари ўтказилди. Ушбу тадбирга соҳа мутахассислари жалб этилди. Шунингдек, шифокорлар акция иштирокчиларига эндокрин хасталикларини, хусусан, қандли диабет ва унинг келиб чиқиш омиллари, касалликнинг олдини олиш ҳамда даволаш борасида маслаҳатлар берилди.

— Тиббиётнинг кўплаб йўналишлари сингарти эндокринолог хасталикларнинг келиб чиқишига, аввало, соғлом турмуш тарзига тўлиқ риоя этмаслик, тўғри ва рационал овқатланмаслик, ичиш, чекиш сингари зарарли одатлар сабаб бўлаётди, — дейди эндокринолог Саодат Ибрагимова. — Шу боис ҳар қандай вазиятда ҳам хасталикнинг олдини олиш энг маъқул усулдир.

— Мазкур хасталик борасида бирмунча маълумотга эга бўлсам-да, кўнг қилиб дўхтирга борманман, — дейди қон таҳлили текширувиге келган Дилором Одилова. — Бугунги текширув туфайли қонимда қанд миқдори меъёрида эканлигини билиб олдим.

Соғлом турмуш тарафдори бўлган инсон саломатлигига бепарво қарамайди. Вақти-вақти билан шифокорлар кўригидан ўтиб туради. Шунда беморга ҳам, шифокорга ҳам, оилага ҳам энгиллик бўлади. Соғлом турмуш тарзини ҳаёти мезонига айлантирган киши узоқ умр кўриш баробарида, касалликларга чалинмайди. Жисмонан баркамол инсон эса улкан ишларга, бунёдкорликларга қодирдир.

Айни пайтда юртимизда диабетга қарши курашиш ойлиги доирасида ўтказилиши режалаштирилган тиббий текширувлар, давра суҳбатлари ва оқик эшиклар куни давом этмоқда.

Мавжуда ХОЛМАТОВА.  
Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Бугунги кунда юртимизда кузатилаётган юксалиш суръатлари, кўп жиҳатдан, иқтисодиётнинг турли тармоқларини ривожлантириш, янгилаш ва модернизациялаш билан боғлиқ. Шунга кўра, олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида бир қатор янги йўналишлар пайдо бўла бошлагани. Миллий иқтисодиётимизнинг нисбатан янги ва жадал ривожланиб бораётган лизинг соҳаси — шулардан бири.

Айни пайтда мамлакатимизда лизинг хизматлари кўрсатувчи корхоналарга талаб анча юқори. Зеро, сўнгги йилларда юртимизда тадбиркорлик ва фермерлик фаолияти кенг ривожланиб бормоқда. Турли ишлаб чиқариш

объектлари фойдаланишга топширилиб, уларни замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш, мавжуд корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватини ошириш, илғор технологияларни жалб этиш ишларида бу ўз самарасини берапти. Мазкур жараёнда қишлоқ хўжалигини модернизациялаш доирасида юртимиз фермер хўжалиқларининг техник имкониятларини ошириш, уларнинг эҳтиёжлари учун замонавий ускуналарни харид қилишга алоҳида аҳамият қаратилаётгани диққатга сазовордир. Бундай ишларнинг ўз вақтида амалга оширилишида «Ўзмелиомашлизинг» давлат лизинг компанияси (ДЛК)нинг муносиб хиссаси бор, албатта.



Реклама ўрнида

# Лизинг берувчилар ва мелиораторлар ҳамкорлиги

## тувроқ унумдорлигини оширишга хизмат қилмоқда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони асосида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 21 декабрдаги 266-сонли қарори билан ташкил этилган мазкур компанияни молиялаштирувчи асосий манба — Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси ҳисобланади. Унинг фаолияти Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бююртмаси асосида сув хўжалиги, қурилиш ва фойдаланиш ташкилотларига мелиоратив техниканинг кўп тармоқли мавжуд паркни янгилаш ва шакллантиришни рағбатлантириш, замонавий мелиора-

ция техникаси ҳамда асбоб-ускуналари етказиб берилишини таъминлашдан иборат. Компания бугунги кунга қадар лизинг асосида сув хўжалиги ташкилотларига 1639 та замонавий мелиоратив техника ва машина-механизмлар етказиб берди. Жумладан, 684 та юқори унумли экскаватор, 204 та бульдозер ва бошқа турдаги техника ҳамда механизмлар харид қилинди. Ушбу механизмларни лизинг олувчилар, асосан, сув хўжалиги ташкилотларига етказиб бериш учун жами 146,34 миллиард сўм миқдорида маблағ давлат лизинг компаниясига қайтарилиши шарт билан молиялаштирилди.

Шунингдек, компания томонидан Италиянинг «New Holland» компанияси билан ҳамкорлик алоқалари йўлга

қўйилиши натижасида кичик экскаватор юклагичлар ҳам лизинг олувчиларга етказиб берилмоқда. Бундан ташқари, компания ўз фаолиятини кўпроқ маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорлик

### ХИЗМАТ

қилишга қаратган. Қарийб 51 фоиз техника, жумладан, 14 та автокран, 28 та автосамосвал, 22 та дала вагонизмлари лизинг олувчилар, 10 та автобензовоз кооперация биржалари орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан харид қилинди.

Натижада «Ўзмелиомашлизинг» давлат лизинг компанияси жорий йилнинг биринчи ярмида ўтган йилнинг шу даври билан солиштирилганда, 113,2 миллион сўм кўп даромад кўрди.

Техник ва сервис хизматларини кўрсатиш мақсадида, компания қошида «Мелиомашлизингсервис» шўба корхонаси ташкил этилгани айни муддао бўлди.

Жорий йилнинг ўтган даврида мазкур корхона томонидан лизингга берилган техника, машина ва механизмларга 2,58 миллиард сўмлик сервис хизмати кўрсатилди.

Ҳозирги кунда корхона фаолиятини такомиллаштириш, шунингдек, мижозлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ишончли алоқани

йўлга қўйиш юзасидан қатор чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Хусусан, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан ҳамкорликда лизингга берилган техникага сервис ва техник хизматларни кўрсатиш учун зарур эҳтиёт қисмлар ҳамда бутловчи буюмларнинг рўйхати тузилиб, уларни олиб келиш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Компания томонидан «Мелиомашлизингсервис» шўба корхонасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Жорий йилдан бошлаб компаниямиз томонидан лизингга олинган мелиорация техникасидан фойдаланиш, уни сақлаш ҳолати ва тегишли ҳисоб-китобларнинг доимий тизимли таҳлилини юритиш тажрибаси йўлга қўйилди. Шу мақсадда компания ҳамда шўба корхона масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳи тузилди. Мутахассислар жойларга чиқиб, мониторинг ишларини олиб боришмоқда, — дейди «Ўзмелиомашлизинг» ДЛК ижрочи директори А. Сулаймонов. —

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда бошқа соҳалар қаторида иқтисодиётнинг айнан мазкур йўналиши ҳам жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Бунинг замирида, энг аввало, аҳолига қулайлик ва имкониятлар яратиб бериш ҳамда турмушимиз фаровонлигини таъминлашдек эзгу мақсадлар мужассам, албатта.

Ҳанифа ШАМШИЕВА.



### Халқ сўзи

## Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

### Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1154. 75 516 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.



ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.



Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.  
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бемуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.  
Навбатчи — Ю. Бўронов.  
Мусахҳач — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.05 Топширилди — 21.45 1 2 3 4 5